



20 20 у. « 2 » сентябрь

№ Қ-428

« » 20 г.

**Жарқўрғон тумани Н.Боймуродов массиви
“Исмоилтепа” маҳалласи ҳудудидан
“JARQO’RG’ON BARAKALI ASL LIMON”
МЧЖга “Иссиқхона” қуриш учун ер
майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 12 августдаги 05-02/520-сон йиғилиш баёни ва Жарқўрғон туман ҳокимининг 2020 йил 16 июлдаги 01-05/113-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 12 августдаги 05-02/520-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Жарқўрғон тумани Н.Боймуродов массиви “Исмоилтепа” маҳалласи ҳудудидан “JARQO’RG’ON BARAKALI ASL LIMON” МЧЖга туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 645қ-дала контуридаги тупроқ унумдорлиги 43,0 балл бонитетли 1,0 гектар суғориладиган экин ер майдони енгил конструкцияли лимончилик йўналишида “Иссиқхона” қуриш учун вақтинча (10 йил) муддатга фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “JARQO’RG’ON BARAKALI ASL LIMON” МЧЖ раҳбари Р.Холназаровга:

ажратилган ер майдонидан фақат иссиқхона ташкил этиш учун фойдаланиши:

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;

мақсадсиз фойдаланганда ёки бир йил мобайнида фойдаланилмаганида ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Жарқўрғон тумани ҳокимлиги (З.Давлатов) ер майдони ажратилиши

муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов